


“Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди



Халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши депутати Шухрат Ҳайитов ташаббуси билан туман тиббиёт бирлашмасида “Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида аҳолига кенгроқ қулайликлар яратиш, вақтини тежаш учун тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида сўз юритилди.

Шунингдек, давра суҳбати давомида "Тиббиёт ходимлари куни" муносабати билан Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирлади.